

ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ХАРАКТЕР ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА ДЕСТРУКТИВ ХУЛҚ-АТВОРИ

Тургунова Дилором – психолог

Аннотация: Биламизки, ёшлар характерини тўғри тарбиялаш баркамол авлодни тарбиялашнинг марказий ва муҳим вазифаларидандир. Мутахассислар хулқ-атворнинг биринчи кўринишини болаликдан, мактабдан олдин кўриш мумкинлигини тасдиқлайдилар. Йиллар давомида шахс характер хусусиятлари ҳам ривожланади, ёшга мос равишда ўзгариб боради. Ушбу мақолада талаба-ёшларнинг ўқиш фаолияти, хулқ-атвори, характер хусусиятлари ҳамда деструктив хулқ-атвори бўйича баъзи маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: ёшлар, деструктив хулқ-атвор, характер, талаба, фаолият, баркамол авлод, тарбия, тип, шахс.

Ҳозирги кунда талаба-ёшларнинг ўқиш фаолияти, хулқ-атвори, характер хусусиятлари, жамиятда ўзини намунали тута олиши долзарб ҳамда эътиборга молик масалалардан бири ҳисобланади. Ва бу тадқиқ ҳамда таҳлилни талаб этади. Биламизки, таълим тизимидаги туб ислоҳатлар, одамлар онгидаги катта ўзгаришлар олий таълим тизимида таълим олаётган талабаларнинг салоҳияти, шахсий сифатлари ва жамиятда тутган мавқеига боғлиқ, десак, асло муболаға бўлмайди.

Характерни тарбиялаш баркамол авлодни тарбиялашнинг марказий ва муҳим вазифаларидандир. Мутахассислар хулқ-атворнинг биринчи кўринишини болаликдан, мактабдан олдин кўриш мумкинлигини тасдиқлайдилар. Ўсиш жараёнида янги фазилатлар ва хусусиятлар пайдо бўлади, шахс шаклланади. Кучли ва жасур одамни тарбиялаш учун уни аниқ қоидалар ва сюжетлар билан жамоавий ўйинларга ўргатиш, масъулиятни шакллантириш учун болаликдан биринчи навбатда оддий вазифаларни ҳал қилиш, кейин эса мураккаброқларга ўтиш, интизом ва хотиржамликка риоя қилиш, натижани баҳолаш ва шарҳлар бериб бориш лозим.

Характернинг ғамхўрлик, меҳрибонлик, хушмуомалалик ёки, аксинча, ғазаб, худбинлик, бефарқлик каби хислатлари айнан болаликдан пайдо бўлади. Ўсмирлик даврида иродавий фазилатлар, хулқ-атвор ва дунёқараш шаклланади. Қатъиятлилик танқидий қараш, фаҳм-фаросат, кўзғатувчанлик, хушфезллик, қувноқлик, меҳрибонлик каби характернинг интеллектуал, эмоционал ва иродавий хусусиятларининг шаклланиши ҳам худди шу тарзда шаклланади. Кейинчалик эса характерли хусусиятлар мавжуд шароитга қараб янги шароитда ўзгаради. Вояга етганида характер ўзгариши барқарор бўлиб, маълум шаклга эга

бўлади. Йиллар давомида шахс характер хусусиятлари ҳам ривожланади, ёшга мос равишда ўзгариб боради. Жумладан, талабанинг етакчи фаолияти ўқиш ҳисобланади. Ўқиш фаолияти талабанинг психик жараёнларининг хусусиятлари ривожланишига, касбий муҳим белгилар, кўникмалар ва малакаларни эгаллашга таъсир кўрсатади. Агар ўқиш ижодга айланса, талабаларнинг ҳиссий соҳасидаги дунёқарашларига ҳам ижобий таъсир қилади, диққат ва хотирани ўстиради, қониқиш ҳиссини пайдо қилади. Шу билан бир қаторда билиш жараёнига қизиқиш ортади.

Характернинг жуда кўп ҳислатлари одамнинг иш-ҳаракатларини белгиловчи чуқур ва фаол майллар ҳисобланиб, шу мойилликларда характер ҳислатларининг ундовчилик кучи намоён бўлади ва куч туфайли кўпинча объектив шароитга зид ҳаракат қилади ва мутлақо мақсадга номувофиқ ҳаракат усулларини қўллайди. Айрим одамлар билиб туриб қийин вазифани танлайдилар, айримлар аксинча. Характер ҳислатлари маълум тарзда ҳаракат қилишга баъзан эса шароитга қарама-қарши ҳаракат қилишга ундар эканлар, улар хаётий қийин дақиқаларда яхшироқ намочим бўладилар. Шахс характери қаршилиқ кўрсатувчи шароитлар билан курашда синалади. Характер ҳислатлари шахснинг қийин ҳосил қилинадиган ва мустаҳкамланиб қоладиган хусусиятлари бўлганлари туфайли характернинг физиологик асоси ҳам индивидуал хаёт жараёнида асаб тизимининг ўзгарган хусусиятларидан иборат.

Ўқиш давомида, умумий қилиб айтганда, хаётда ҳар бир шахс (талаба) ўзи англамаган холда баъзан характерида салбий характерологик хусусиятларни шакллантириши ва хатто бу хусусиятлар устун бўлишига шароит яратиб бериши мумкин. Натижада эса шахснинг характерида деструктив хулқ шаклланиши кузатилади. Шахс характеридаги деструктив хулқнинг шаклланиши бир қатор психолог олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Э.Кречмер, У.Шелдон, К.Г.Юнг, Ю.М.Лотман, Е.А.Личко, ва бошқалар деструктив хулқ шаклланиш сабабларини ва бартараф этиш йўллари тадқиқ этганлар.

Деструктив хулқ енгил ва кучли даражасигача бўлиши мумкин. Деструктив хулқ-атвор бўйича ҳар бир шахс психологик тавсифига кўра фарқланади. Жумладан, Дистим типдаги шахс аксинча, камгап, мулоқотга киришишга қийналади, пессимист, зиддиятлардан ўзини олиб қочади, уйда ёлғиз қолишни ёқтиради. Циклоид типдагилар кайфияти тез ўзгаришга мойил, кайфияти яхши пайтда-гипертим, ёмон пайтда дистим типга айланади. Кўзгалувчан тип эса мулоқотда пассив, вербал ва новербал реакциялари суст, қайсар, баъзан урушқоқ, кўпинча турли можароларнинг ташаббусқори. Кучайтирувчи типдагилар камгап, ақл ўргатишни ёқтиради, юқори натижаларга эришишни хоҳлайди, таъсирчан, қасоскор шубҳаланувчан. Улар кичик-кичик муаммоларни катталаштиришга, бўрттиришга мойил. Эмотив тип тор доирадаги кишилар билан мулоқотга

киришишни ёқтиради, хафа бўлса ташқаридан сездирмасликка ҳаракат қилади, меҳрибон, ғамхўр, масъулиятни ҳис қилади. Бошқаларнинг ютуқларидан қувонади.

Намойишкорона (демонстратив) тип вакиллари мулоқотга тез киришади, етакчиликка интилади, ҳокимият ва мақтовни ёқтиради, бошқаларни ўзига жалб қила олади, ноёб тафаккурга, хулқ-атворга эга.

Юқорида келтирилган деструктив хулқ бўйича шахс типларининг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Шу туфайли характер хусусиятлари ва шахс деструктивлиги ўрганиш талаб қиладиган соҳалардандир. Машҳур психоаналитиклар Зигмунд Фрейд ва Эрих Фромм деструктивликнинг моҳиятини турлича талқин қилган. Зигмунд Фрейд унинг барча шахсларга сингиб кетганлиги ва йўналтирилганлиги билан ажралиб туришига ишонган. Фромм эса бузғунчилик ҳамма одамларда баъзида пайдо бўлади, деб ҳисоблаган. Агар у пайдо бўлса, унда у шахснинг ички дунёсига ва шундан кейингина ташқи томонга (проекция сифатида) йўналтирилади деб таъкидлаган. Албатта, тўғри ташкил этилган таълим-тарбия жараёнида характер акцентуациясини тарбиялаш ва тuzатиш мумкин. Фақат бу борада мутахассислар зарур дастурларни ишлаб чиқиб амалиётга жорий этишлари лозим.

Адабиётлар:

1. Djuraeva, S. N. (2018). Specificity and Features of Application Modern Innovative Technologies Training to Higher Education. *Eastern European Scientific Journal*, 4, 136-139.
2. Jorayeva, O. N., & Juraeva, S. N. (2020). Strategies for using alternative assessment methods in language and literature classes. *International Journal of Innovations in Engineering, Research and Technology (IJERT)*, 141-146.
3. Sharafutdinova, K. G. (2020). Destruction of family relations psychoprophylaxis family-neighborhood-educational institution cooperation. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1000-1007.
4. JUREVA, S. N., & MAMARADJABOVA, B. A. (2020). The degree to which a person feels happy in the family. *JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS*, 7(5), 1873-1875.